



STRATEGIC FEATURES OF THE TRANS-AFGHAN TRANSPORT CORRIDOR

Sukhrob Buronov

PhD, lecturer

*Tashkent State University of Oriental Studies
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: Trans-Afghan corridor, “Hayraton-Mazar-e-Sharif”, “Khaf-Herat”, “Mazar-e-Sharif-Herat”, “Termez-Mazar-e-Sharif-Kabul-Peshawar”.

Received: 14.05.22

Accepted: 16.05.22

Published: 18.05.22

Abstract: This scientific article discusses the Trans-Afghan transport corridor, its strategic importance for Central Asia, including Uzbekistan, and the problems in the implementation of railway projects in Afghanistan.

ТРАНСАФОН ТРАНСПОРТ КОРИДОРИНИНГ СТРАТЕГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Суҳроб Бўронов

PhD, ўқитувчи

*Тошкент давлат шарқшунослик университети
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Трансафон коридори, “Хайратон-Мозори Шариф”, “Хаф-Ҳирот”, “Мозори Шариф-Ҳирот”, “Термиз-Мозори Шариф-Кобул-Пешовар.

Аннотация: Мазкур илмий мақолада трансафон транспорт коридори, унинг Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон учун стратегик аҳамияти, Афғонистонда темир йўл лойиҳаларини амалга оширишдаги муаммолар ҳакида сўз боради.

СТРАТЕГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ТРАНСАФАНСКОГО ТРАНСПОРТНОГО КОРИДОРА

Суҳроб Буронов

PhD, преподаватель

*Ташкентский государственный университет востоковедения
Ташкент, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Трансафганский

Аннотация: В данной научной статье

коридор, «Хайратон-Мазари-Шариф», «Хаф-Хирот», «Мазари-Шариф-Хирот», «Термез-Мазари-Шариф-Кабул-Пешавар».

рассматривается Трансафганский транспортный коридор, его стратегическое значение для Центральной Азии, в том числе Узбекистана, и проблемы реализации железнодорожных проектов в Афганистане.

КИРИШ

Жаҳон сиёсатининг ҳар бир даврида транспорт йўллари катта аҳамият касб этиб келган. Транспорт ва транзит йўлларига эгалик қилиш давлатнинг тараққиёт омилларини, минтақадаги етакчилик ролини, баъзан эса, минтақага таъсири даражасини белгилаб берган. Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги муносабатларнинг янги ва жадал босқичга кўтарилиши, минтақавий сиёсатдаги очиқлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ҳамкорлик принципларига Афғонистоннинг ҳам жалб этилиши минтақада стратегик иқтисодий лойиҳаларга қизиқишининг тобора ўсиб боришига замин яратмоқда. Айниқса, Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва транспорт муносабатларида янги ёндашувларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши сезиларли ўзгаришларни бошлаб бермоқда. Бундай ўзгаришлар ҳарбий-сиёсий вазият сабабли халқаро савдо тизимидан ажралиб қолган Афғонистонни кенг миқёсда минтақавий иқтисодий лойиҳаларга жалб этишни тақозо этади. Минтақанинг тараққиёт ва стратегик марказ сифатида ривожланиш омиллари Афғонистонда ўз минтақавий лойиҳаларини амалда рўёбга чиқариши билан чамбарчас боғлиқ. Мазкур қарашнинг асосий ташаббускори сифатида Ўзбекистон ҳар томонлама етакчи ўрин ва нуфузга эга. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бу хусусида шундай деган эди: “Биринчи галдаги вазифалардан бири Афғонистоннинг минтақавий иқтисодий жараёнларга қўшилишига ҳар томонлама кўмаклашишдан иборат. Бу дунё ҳамжамиятининг Афғонистонда тинч тараққиётни таъминлашга қаратилган саъи-ҳаракатларига ғоят мухим ҳисса бўлиб қўшилади” (Мирзиёев, 2018, б.269). Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳар қандай минтақавий аҳамиятга молик масалалар мухокамасида Афғонистон иқтисодий тикланиши масаласи долзарб ўрин эгаллайди. Шу боисдан, Ўзбекистон томонидан минтақавий транспорт лойиҳаларини амалга ошириш бўйича амалий сиёсий қадамлар ташланмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Марказий Осиё минтақасининг келажаги унинг яқин денгиз портларига чиқиши ва шу аснода турли транспорт коридорларини амалиётга қай даражада жорий этилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Ўз навбатида, минтақанинг жойлашув нуқтаси ундан ўтадиган транспорт коридорларининг геосиёсий хусусиятини ўзида намоён этиши билан характерланади. Россиялик тадқиқотчи О.Подберезкина халқаро транспорт

коридорларининг жаҳон сиёсатидаги аҳамияти хусусида олиб борган тадқиқотларида транспорт коридори жаҳон сиёсатининг иқтисодий-сиёсий маконини намоён этиши, миграция, трансмиллийлик, интеграция ва глобализация сингари омиллар, биринчи навбатда сиёсий табиатга эга эканлиги ва бу бевосита география билан боғлик бўлиши, натижада халқаро транспорт коридорларининг жаҳон сиёсатидаги таҳлили геосиёсий ёндашувдан айри ҳолда олиб борилиши мумкин эмас (Подберезкина, 2015, с.33.34), деб ёзади. Айнан транспорт коридорлари минтақамизнинг интеграция жараёнларини ривожлантириш учун улкан туртки берувчи ҳаётй омилдир.

Афғонистон Марказий Осиёни Жанубий Осиё, Яқин Шарқни Узоқ Шарқ минтақалари билан боғлайдиган минтақалараро транспорт кўпригидир. Марказий Осиё минтақасига энг яқин денгиз портлари айнан Афғонистон худуди орқали ўтади. Географик жиҳатдан ёпиқ Ўзбекистон ҳам жаҳон денгиз ва океан бандаргоҳларига чиқиши учун қўшни Афғонистон худуди транзит давлат вазифасини бажаради. Айни шу омил туфайли Марказий Осиё истиқболини макродаражада тасаввур қилиш, унинг геосиёсий ўрни ва нуфузини назарий жиҳатдан “Rimland” билан боғлаш имконияти вужудга келади. Шу тариқа, истиқболда ушбу мақроминтақа бепоён Евроосиёнинг геосиёсий архитектурасини ўзгартириб юбориши мумкин бўлади.

Ўзбекистон учун денгиз портларига чиқувчи транспорт коридорлари стратегик аҳамиятга эга. Бу мамлакатимиз учун янги имкониятлар ва қўшимча салоҳият, мустаҳкам иқтисодиётни ривожлантириш имкони ва турли хил геоиқтисодий боғликларни бартараф этувчи калит вазифасини бажаради. Бундай имкониятлар ҳамоҳанг равишда Марказий Осиё минтақасининг муштарак манфаатларини ҳам ўзида мужассам этади. Таҳлилий маълумотларга кўра, Ўзбекистон умумий халқаро транспортининг 60% Марказий Осиё давлатлари ва Афғонистон транзит йўлларидан ўтади. Ушбу транзит йўлларини умумий кўрсаткичлар билан ҳисоблаганда 69% Қозогистон ва Туркманистон, 21% Тожикистон, 6% Қирғизистон ва 4% Афғонистон ҳиссасига тўғри келади (Kulipanova, 2012, p.13). Истиқболда Ўзбекистон Марказий Осиё давлатларини Афғонистон орқали халқаро бозорларга олиб чиқиш учун қулай имкониятлар ва шароитлар яратиши мумкин.

Сиёсий фанлар доктори, профессор А.Ҳайдаров Марказий Осиё давлатлари учун транспорт коммуникацияларининг мураккаб шароитида жаҳон денгиз портларига чиқишининг тўртта асосий варианти мавжудлигини санаб ўтади:

Биринчи: Афғонистон ва Покистон худудлари орқали Ҳинд океанининг Караби ва Қосим портларига чиқиш (масофаси 3800 км.);

Иккинчи: Туркманистон ва Эрон худудлари орқали Форс кўрфазидаги Бандар Аббос портига чиқиш;

Учинчи: Қозғистон ва Хитой худудлари орқали 6195 км. масофадаги Узок Шарқ портларига чиқиши (Мазкур вариант қисман Қозғистон-Хитой-Қорақурум шоссеи йўналиши бўйича Карачи ва Қосим портларига Покистон орқали чиқишида фойдаланилиши мумкин. Бироқ, баланд тоғлардаги хаво шароити туфайли уузик йил ҳаракатга тушмаслиги мумкин);

Тўртинчи: Туркманистон, Каспий денгизи, Озарбайжон ва Грузия худудлари орқали Қора денгиз портларига чиқиши (масофаси 2950 км.).

А.Ҳайдаровнинг фикрига кўра, улар орасида энг истиқболли вариант биринчиси бўлиб, у Термиз-Ҳирот-Қандаҳор-Карачи йўналиши ҳисобланади. Бироқ, ушбу йўналишда иш олиб бориш учун бир қатор омиллар, аввало, Афғонистондаги бекарор ҳарбий-сиёсий вазият сақланиши билан боғлиқ омил тўсиқ бўлмоқда (Ҳайдаров, 1996, с.137-138).

Ўз навбатида, давлатимиз манфаатига зид бўлган, қисман фойдаланиш мумкин бўлган коридорлар ҳам мавжудлигини қайд этиш жоиз. А.Зоҳидов томонидан олиб борилган тадқиқотларда транспорт коридорлари шартли равишда мамлакатимиз иқтисодий манфаатлари таъсири даражасига кўра, 3 гурӯхга ажратилади:

1. Ўзбекистон манфаатларига тўлиқ зид ҳисобланган коридорлар:

“Қозғистон-Туркманистон-Эрон” темир йўли;

“Туркманистон-Афғонистон-Тожикистон” темир йўли;

“Хитой-Қирғизистон-Тожикистон” темир йўли;

“Россия-Қозғистон-Қирғизистон-Тожикистон” темир йўли.

2. Қисман фойдаланиш имкони мавжуд бўлган коридорлар:

“Фарбий Европа-Фарбий Хитой” автомагистрали.

3. Ўзбекистон манфаатларига мос муқобил коридорлар:

“Ўзбекистон-Қирғизистон-Хитой” темир йўли;

“Ўзбекистон-Туркманистон-Эрон-Уммон” автомобил ва темир йўли;

“Тошкент-Андижон-Ўш-Саритош-Иркиштом-Қошғар” автомобил йўли;

Трансафғон коридори, яъни “Ўзбекистон-Афғонистон-Эрон/Покистон” темир йўли (Зоҳидов, 2018, б.146).

Юкорида санаб ўтилган транспорт йўлаклари орасида минтақанинг барқарор сиёсий ва иқтисодий тараққиётида асосий ўрин эгаллайдиган муҳим транспорт йўлларидан бири Трансафғон транспорт коридори (ТАТК) саналади. ТАТК Марказий Осиёни Афғонистон орқали Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё денгиз портларига, ўз навбатида Афғонистон, Эрон, Покистон ва Ҳиндистонни Марказий Осиё ва Россия бозорларига олиб чиқадиган минтақалараро транспорт йўлагидир. Бу коридорнинг мамлакатимиз учун стратегик

аҳамияти шундаки, у Ўзбекистон ташқи савдо юкларини Эрон портига етказиши масофасини 1500 км.га қисқартириш имконини беради (Транспортные коридоры...). Бундан ташқари, ТАТК орқали Афғонистон ўз тарихида биринчи маротаба транспортнинг темир йўл тармоғига эга бўлди. Темир йўл омили узоқ йиллик уруш, ҳарбий можаролар шароитида қолган Афғонистон иқтисодиётини тиклаш, аҳолига янги иш ўринлари яратиш, экспорт-импорт имкониятларини кучайтириши, натижада эса ҳарбий можарони ҳал этишининг асосий омилларидан бирига айланиши мумкин. Маълумки, Афғонистон тарихида темир йўл қуриш бўйича кўплаб лойиҳалар ишлаб чиқилганига қарамасдан, турли сиёсий сабаблар туфайли уларни қуриш ишлари амалга ошмаган эди. Эксперт О.Ниссор Афғонистонда узоқ вақтгача бирорта иш ўрни яратишга мўлжалланган инфраструктура лойиҳаси қурилмаганини баён этар экан, афғон муаммоси ечимиға калит иқтисодий жабхада ётади (Нессар, 2010, с.164), деб хулоса қиласди. Шу маънода, мураккаб ва турли сабабларга қарамасдан, Ўзбекистон ва Эрон ташаббуслари ҳамда амалий саъй-ҳаракатлари натижасида ТАТК орқали Афғонистон ҳудудида “Ҳайратон-Мозори Шариф” ва “Хаф-Ҳирот” сингари дастлабки темир йўллар барпо этилди. Шунингдек, ушбу лойиҳаларни янада кенгайтириш манфаатдор давлатлар учун стратегик аҳамият касб этади. Афғонистоннинг асосий савдо ҳамкорлари унга қўшни давлатлар гуруҳи эканлиги ҳамда бу борада Ўзбекистоннинг фаол ташқи иқтисодий сиёсати ҳисобга олинса, шунингдек, мазкур савдо алоқалари “Мозори Шариф-Ҳирот” темир йўли орқали бирлаштирилса, нафақат Афғонистоннинг иқтисодий тикланиши тезлашади, балки бутун минтақанинг дунё бозорларига чиқиши ва улкан транзит салоҳиятини кенг рўёбга чиқариш учун янги имкониятлар эшиги очилади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, “бу лойиҳа Афғонистон иқтисодиётини тиклаш учун аниқ ва амалий ҳисса бўлиб қўшилади, янги иш ўринлари яратади ва мамлакатнинг транзит салоҳиятини оширади. Трансаффон транспорт-коммуникация лойиҳалари бўйича ишларнинг шу каби катта аҳамиятга эга бўлган “Ўзбекистон-Туркманистон-Эрон-Уммон” ва “Ўзбекистон-Қирғизистон-Хитой” каби бошқа минтақавий лойиҳалар билан узвий боғлиқ ҳолда бошлангани Шимолдан Жанубгача ҳамда Шарқдан Фарбгача бўлган барча йўналишларда қитъалараро транспорт коридорларини энг қисқа йўллар билан ривожлантириш учун зарур шароитлар яратади” (Мирзиёев, 2018, б.369-370).

Ўзбекистонда ТАТК доирасида Афғонистон орқали Покистон портларига чиқиши назарда тутувчи бир қатор йўналишлар ҳам мавжуд. Масалан, Термиз-Кобул-Қандаҳор-Кветта-Карачи транспорт йўналиши Афғонистон ҳудудида умумий 1100 км. масофани, жумладан, Термиздан Кобулгача 460 км. масофани қамраб олади. Иккинчи вариант биринчи вариантга муқобил ҳисобланган Термиз-Мозори Шариф-Ҳирот-Қандаҳор-

Кветта-Карачи транспорт йўналиши бўлиб, Термиздан Покистон чегарасигача 1700 км. масофани ташкил этади. Шу мақсадда бугунги кунда Ўзбекистон ва Покистон ўртасида Афғонистон ҳудуди орқали транспорт ва транзит соҳасида “Термиз-Мозори Шариф-Кобул-Пешовар” темир йўлини қуриш бўйича музокаралар давом этмоқда. Бироқ, ҳозирги вақтгача Афғонистонда сақланиб турган бекарорлик, айниқса, транспорт юкларини Афғонистоннинг ҳарбий тўқнашувлар кескин бўлган жанубий ва жануби-шарқий вилоятларидан ўтиши, молиявий масалалар, ўз навбатида Афғонистон ҳудудининг баланд тоғлар ва довонлар билан ўралгани, бунинг натижасида тез-тез кўчкilar содир бўлиб туриши сингари омиллар юқоридаги лойиҳаларни амалга ошириш учун турли қийинчиликларни юзага келтиради.

Умуман, давлатимиз томонидан белгиланган стратегик ташқи сиёсий ва иқтисодий вазифалар ижросида Афғонистон мамлакатининг иштироки асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Негаки, Афғонистон мамлакатимиз учун фақатгина барқарор минтақа кафолати бўлиб қолмасдан, барча турдаги маҳсулотларга ҳаётй зарурати мавжуд бўлган истиқболдаги катта бозор ҳамдир. Ўзбекистон Афғонистонда транспорт ва бошқа инфратузилмаларни ривожлантиришда жуда катта тажриба ва салоҳиятга эга. Бундай тажриба, шубҳасиз, янги лойиҳаларни амалиётга кенгроқ жорий этиш имкониятини тақдим этади. Бугунги Афғонистондаги вазият олдингисидан анча фарқ қилишини инобатга олган ҳолда, давлатимиз томонидан ишлаб чиқилган замонавий трансафғон лойиҳаларининг стратегик аҳамияти, геосиёсий хусусиятлари ва бу билан боғлиқ истиқболдаги муаммоларни таҳлил этиш айни шу сабабдан долзарб вазифалар сирасига киради.

ХУЛОСА

Умуман, Ўзбекистон Афғонистон билан транспортнинг барча турлари орқали боғланган давлатдир. Бу геосиёсий жиҳатдан муҳим устунлик бўлиб, Марказий Осиёни Афғонистон орқали дengiz йўлаклари билан боғлаш истиқболида Ўзбекистоннинг марказий роли ва нуфузи янада ортиши, унинг трансмintaқавий алоқалар тизимида ўзига хос муҳим ҳалқа бўлишига замин яратади. Шу нуқтаи назардан, ТАТК Ўзбекистон учун энг истиқболли коридор ҳисобланади. Афғонистон ҳудудидаги илк темир йўллар – “Ҳайратон-Мозори Шариф” ва “Хаф-Ҳирот” темир йўл лойиҳалари тажрибаси мавжуд эканлиги ва трансафғон йўналишларини боғлайдиган имкониятлар ва таҳликалар кўлами шундан далолат бермоқдаки, “Мозори Шариф-Ҳирот” темир йўл лойиҳасининг рӯёбга чиқиш истиқболи “Мозори Шариф-Кобул-Пешовар” темир йўл лойиҳасидан юқори туради. “Мозори Шариф-Ҳирот” темир йўли истиқболда Чобаҳор келишуви орқали Ҳиндистоннинг Мумбай бандаргоҳига ёки Ҳирот-Қандаҳор-Кветта йўналиши орқали

Покистон бандаргоҳларига ҳам чиқиш имкониятига эга. Бу эса, Ўзбекистон замонавий трансафғон лойиҳаларининг геосиёсий хусусиятини намоён этиб, ушбу лойиҳалар фақат Афғонистон билан чекланмасдан ушбу давлат худуди орқали Марказий Осиёни Форс кўрфази ва Жанубий Осиё сингари минтақалар билан узвий боғлашдек стратегик вазифани мақсад қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев, Ш. (2018) Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: Ўзбекистон.
2. Подберезкина, О. (2015) Эволюция значения международных транспортных коридоров в мировой политике на примере России. Дисс. кан. пол. наук. – Москва., 2015.
3. Kulipanova, E. (2012) International Transport in Central Asia: Understanding the Patterns of (Non-) Cooperation // Institute of Public Policy and Administration. Working Paper No.2.
4. Ҳайдаров, А. (1996) Центральная Азия во внешней политике Исламской Республики Иран. Дисс. док. пол. наук. – Тошкент.
5. Зоҳидов, А. (2018) Марказий Осиё транспорт тизимини самарали бошқариш механизмини такомиллаштириш. Иқт. фан. док. (Doctor of Science) дисс. – Тошкент.
6. Транспортные коридоры // Министерство инвестиций и внешней торговли Республики Узбекистан. Retrieved from <https://mift.uz/ru/menu/transportnye-koridory>
7. Ежов, Г. (13.01.2009) Проекты железных дорог Афганистана: прошлое, настоящее и будущее // Всё об Афганистане. Retrieved from <http://afghanistan.ru/doc/13787.html>
8. Нессар, О. (2010) Афганский кризис и проблема региональной безопасности / Материалы международного круглого стола “Состояние и перспективы обеспечения безопасности в Афганистане” (Дискуссия). – Тошкент.